



**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам баъзи намозларда бир қанча одамларнинг йўқ бўлганини билиб:**

**«Батаҳқиқ, мен бир кишини одамларга намозга ўтиб беришини, намозга келмай, орқада қолаётганларга ўзим бориб, уларнинг уйларига ўтин боғламларини қалаб туриб, устиларидан ёқиб юборишларини амр қилишга қасд қилдим. Агар бирлари сергўшт суяк топишини билганида, унга ҳозир бўлар эдилар», дедилар. Яъни, Хуфтонга, демоқчилар».**

Бешовлари ривоят қилишган.

Бошқа ривоятда:

**«Мунофиқларга энг оғир намоз Хуфтон ва Бомдод намозларидир. Агар у иккисидаги нарсани билганларида, эмаклаб бўлса ҳам келар эдилар. Батаҳқиқ, намозга амр қилиб, у қоим қилинганда бир кишини одамларга намоз ўқиб беришини буюриб, сўнгра ўзим ўтин боғламларини кўтарган одамлар билан намозга ҳозир бўлмаган одамларнинг олдига бориб, уйларига устиларидан ўт қўйиб юборишни қасд қилдим», деганлар.**

نَمَامٌ: لَأَقْمَلِسُو هِيَلَعْلَلِ صِيْبِنَلْنَعُ، نَعُ هَلَلِ يَضْرَأْدَرْدَلِ يَبَأْنَعُ  
نَأَطِيْشَلْ أَمْهِيْلَعُ دَوْحَتْسَلْ دَقْ أَلْإِلْصَلْ أَمْهِيْلَعُ مَأْوَتْ أَلْوَدْبِ أَلْوِيْرَقِ يَفِيْثْ أَلْث  
دَمْحْ أَوْيْئَسْنَلْ أَوْدُوَادُ وَبَأْهْ أَوْر. «ةِيْصَأْفُلْ أَلْبُئِيْذَلْ أَلْأَيْ أَمْنِ أَلْءَعَامْ جَلَابْ كَيْلَعْفُ  
ةَحْحَصْ وَ مَكْأَحْلْ أَوْ

Абу Дардо розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Қишлоқдами, саҳродами, уч киши бўлса-ю, улар ичида жамоат намози қоим қилинмаса, албатта, шайтон уларга эга чиқади. Жамоатни лозим тут. Айрилгани бўри ер», дедилар».**

Абу Довуд, Насоий ва Аҳмад ривоят қилишган. Ҳоким саҳиҳ, деган.

**«Кифоя» китобининг биринчи жузи асосида тайёрланди**